Пресс - релиз

Космик вазифани ҳал қилиш учун 48 соат. Ўзбекистон ёшлари “NASA Space Apps Challenge 2026” ҳакатонида ўз лойиҳаларини тақдим этди

Ўзбекистонда NASA International Space Apps Challenge 2026 халқаро ҳакатонининг миллий босқичи якунланди. Унда 500 нафарга яқин иштирокчи қарийб 100 та жамоага бирлашди. Икки кун давомида иштирокчилар NASA’нинг очиқ маълумотлари асосида лойиҳалар ишлаб чиқди ва уларни ҳакамлар ҳайъатига тақдим этди.

2025 йилга нисбатан иштирокчилар сони икки баравардан зиёд, жамоалар сони эса қарийб икки бараварга ошди. Бир йил аввал Ўзбекистон босқичида 52 та жамоа таркибида 210 нафар иштирокчи қатнашган эди. Улар NASA танловининг 18 та мавзуси бўйича лойиҳаларини тақдим этган эди.

Бу йилги Республика босқичи "Ўзбеккосмос" агентлиги ташаббуси билан

Inno Technopark, Сеҳриё мактаби, «ZIYO FORUM» илм-фан ва таълимни ривожлантириш жамғармаси, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасининг American Spaces in Uzbekistan дастури ҳамда Skillbox билан ҳамкорликда ўтказилди.

Ҳар бир жамоага танланган вазифани ўрганиш, мос маълумотларни топиш ва таклиф этилган ечим шу маълумотлар асосида қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатиш учун 48 соат берилди. Халқаро дастур Ерни кузатиш, маълумотларни таҳлил қилиш ва визуаллаштириш, сунъий интеллект ҳамда машинали ўқитиш йўналишларини қамраб олди. Дастурга космик технологиялар, астрономия, сайёраларни ўрганиш, экотизимлар ва барқарор ривожланиш бўйича вазифалар ҳам киритилди.

Ўзбекистон NASA Space Apps Challenge ҳакатонида 2022 йилдан буён иштирок этиб келмоқда. 2023 йилда халқаро танловда қатнашган 8 715 та жамоа орасидан Ўзбекистоннинг учта жамоаси энг яхши 500 таликка кирди, биттаси эса энг яхши 40 таликкача етиб борди.

NASA International Space Apps Challenge ҳакатони 2012 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинган. Ҳакатон NASA, Европа космик агентлиги (ESA), Канада космик агентлиги (CSA), Япония аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги (ЖАХА) ва бошқа ҳамкорлар кўмагида турли мамлакатларда бир вақтнинг ўзида ўтказилган. Шу давр мобайнида унда 185 дан ортиқ мамлакатдан 370 мингдан зиёд киши иштирок этган. Халқаро босқичда лойиҳаларни NASA ва

бошқа космик агентликлар экспертлари баҳолаган. Саралаш якунларига кўра, ўн нафар ғолиб NASA космик марказларига ташриф буюриш ва ўз ишланмаларини тақдим этиш имкониятига эга бўлган.